



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 - yil 29 - Iyun

147n -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Бабаев Эламон Ражабовичнинг ту­рар жой биносига бўлган эгалик ҳу­қуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Ғалаба” маҳалласида яшовчи фуқаро Бабаев Эламон Ражабовичнинг “Ғалаба” маҳалласида жойлашган ту­рар жой биносига бўлган эгалик ҳу­қуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳо­кимлигига йўллаган 2020 йил 28 декабрдаги ШЯ-Б-3638-сонли ари­засини, “Ғалаба” маҳалла фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 25 декабрдаги 4277-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва ту­рар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Боғот тумани “Ғалаба” маҳалласида жойлашган 9 (тўққиз) та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 75,54 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 137,01 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 179,80 квадрат метр, қурилиш ости майдони 238,68 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу ту­рар жой биносига нисбатан фуқаро Бабаев Эламон Ражабовичга мулк ҳу­қуқи асосида унга эгалик ҳу­қуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Бабаев Эламон Ражабовичга ушбу ту­рар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида ян­гидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширган­да Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участка­сидан фойдаланиш ҳу­қуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Бабаев Эламон Ражабовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

• **Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев